

ЎЗ ЭЛИМ — ҚОРАҚАЛПОҒИМ ОМОН БЎЛСИН, ЎЗ ҚАЛЪАМ — НУКУСИМ ДУНЁ ТУРГУНЧА ТУРСИН!

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA

■ 2003-ЙИЛ ■ 13-СЕНТАБР ■ ШАНБА ■ 111 (27.131) ■ uzbevozi@sarkor.uz ■ 1918-йил 21-йундан чиқа бoшлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

НУКУС ШАХРИНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига кўшаётган муносиб ҳиссаси, мураккаб экологик шароитга қарамасдан, ҳаётнинг кўплаб соҳаларида юқори натижаларга эришаётгани, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ва тотувликини мустақкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва бойитиш, ёш ав-

лодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасида шаҳар аҳли амалга ошираётган катта ишларни инобатга олиб ҳамда 70 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 сентябрь

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НУКУС ШАХРИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ



ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ ГАВҲАР

Тарихимизнинг кўна ва тегин илдиларидан бўлган ва ҳозирги кунда ҳам юртимизнинг чиройига чирой, салоҳиятига салоҳият қўшиб келаятган қутлуғ масканларни обод қилиш, қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарларимизнинг тўйларини нишонлаш тажрибаси истиқлол йилларида хайрли анъанага айланган. Бугун Қорақалпоғистон Республикасида худди шундай шодийна — Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантанали нишонланмоқда.

Нукус Қорақалпоғистоннинг марказий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Шаҳар аҳолисининг миллий таркиби хилма-хил: бу ерда ўзбеклар, қozoқлар, туркманлар, руслар, қорейлар, та-тарлар, украинлар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари қорақалпоқлар билан ҳамжиҳат, дўсту иноқликда яшайди. Мамлакат миқёсида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохот ва унинг юксак самалари Нукус шаҳрининг янги

тарихи саҳифаларидан ёрқин жой олмоқда.

Бу ерда йирик халқаро тадбирлар ўтказиш анъана тусини олаётди. Орол денгизи муаммоларини ҳал қилиш юзасидан қатор халқаро ҳужжатлар имзолангани, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Оролбўйи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини белгилаб олишга бағишланган иккинчи йўналиш ўтказилгани шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 8 майда «Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида» қарор қабул қилган, шаҳар бўйлаб кенг кўламда бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўламазорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Нукус шаҳрининг 70 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун 12 сентябрь кuni бу ерга келди.

Президент Ислам Каримовнинг Нукусга ташири шаҳар оstonаси — аэропорт билан танишувдан бошланди. Давлатимиз раҳбари

шаҳарда бунёд этилган замонавий спорт мажмуини кўздан кечирди. Ушбу спорт саройи барча қулайликларга эга. Уни қуриш ва жиҳозлашга Қўнғирот сода заводи, «Оролсувқурилиши», «АРЗ-16», «Таъмирлаш заводи», «Қизқеткен» кўма механизациялашган жамланмаси яқиндан кўмак берди.

Президентимиз Нукусда яқинда қад ростлаган Санъат музейининг янги биносига ташири буюрди. Ушбу бино махсус лойиҳа асосида бунёд этилган. Уч қаватли бино 3 минг 100 квадрат метр кўргазма майдонига эга.

Музейнинг иқлим мувозанатини сақлаш, хоналарда мўтадил ҳароратни ушлаб туриш учун хорижнинг қулай ускуналари ўрнатилган. Бу ерда музей фаолиятига зарур барча жиҳозлар, ноёб асбоб-ускуналар мавжуд.

Санъат музейида бугунги кунда 90 мингта яқин экспонат сақланмоқда. Музей Оролбўйида яшовчи халқларнинг қадим ўтмиши ва бугунги кундаги ҳаётини берувчи жуда бой тарихий ва илмий манбага эга. Ислам Каримов

Оролбўйи қадим ўрта аср тарихига оид осори-атикалар, халқ амалий санъати намуналари, Қорақалпоғистоннинг замонавий тарихи, музей асосчиси ва биринчи раҳбари И.Савицкийга бағишланган мемориал зал ҳамда жаҳон санъати дурдоналари билан танишди.

Президентимиз Нукус шаҳрини Ҳўжайли тумани билан боғлайдиган Амударёдаги янги кўприкни мулоқот қилди.

Шаҳар марказидаги — байрам тадбирлари, учрашув ва концертлар ўтказиладиган маданият ўчоғи — 5 минг томошабинга мўлжалланган амфи-театр янада чирой очган. Бу ерга виллоятлар ва Тошкент шаҳридан меҳмонлар, чет давлатларнинг мамлакатимиздаги элчиҳоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ташири буюрган.

Соат 19.30. Чорлов мусиқаси янгради. Юбилей тантаналарига бағишланган маросимни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М.Ерниязов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга сўз берилди. Давлатимиз раҳбари тантанали маросим иш-


тирокчиларини, улар сиймосида нуқулларини, бутун Қорақалпоғистон аҳлини Нукус шаҳрининг қутлуғ тўйи билан муборакбод этади.

Юртбошимиз Мустақиллик йилларида, шу жумладан, шаҳар юбилейига тайёргарлик доирасида кенг кўламдаги таъмирлаш ва бунёдкорлик ишларини амалга оширган, янги-янги бинолар ва иншоотлар барпо этган моҳир курувчи ва усталарга, муҳандис ва меъморларга, мана шу савобли ишларга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорлик изҳор этди.

Нукус тўйи муносабати билан шаҳарда беқиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Темирйўл вокзали, аэропорт, мусиқали театр биносига, мактаблар, лицейлар, соғлиқни сақлаш ва дам олиш масканлари таъмирлангани, янги турар joyлар барпо этилгани шулар жумласидандир.

Халқлар дўстлиги, Ажиниёз ва Мустақиллик майдонлари, Наврўз Жапақов ва Пиржон Сейтов номдаги хиёбонлар шаҳарликлар ором оладиган гўзал масканларга айланган.

(Давоми 2-бетда.)



Ассалому алайкум, азиз юртдошлар! Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз қорақалпоқ элининг гўзал пойтахти, юртимизнинг шимолий дарвозаси бўлмиш Нукус шаҳрининг 70 йиллик тўйини байрам қилмоқдамиз.

Мана шу қутлуғ сана муносабати билан сиз, азизларни, сизларнинг сиймонизда бутун Қорақалпоғистон аҳлини чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Қадри дўстлар!

Бугун биз навқирон Нукус шаҳрининг катта тўйини нишонлар эканмиз, бу шаҳар тимсолида Қорақалпоғистон диёрида рўй бераётган янгилинишлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, одамларнинг турмуш тарзида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида гапиришимиз табиий, албатта.

Бу ўзгаришлар, авваламбор, қорақалпоқ халқининг машаққатли меҳнати ва гайрат-шижоати билан эришилаётган катта ютуқларда, шаҳар ва қишлоқлар, овулларнинг тобора обод бўлиб, республика ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалиб бораётганида, янги-янги иншоотларнинг ишга туширилаётганида яққол намоён бўлади.

Булар қаторида минтақамизда ягона бўлган Қўнғирот сода заводи, Ҳўжайли шифа заводи, «Марказий Осиё безак тошлари» кўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги мрамар ва кафель заводлари, Урга газ кони, «Эл-текс» ва «Катекс» каби замонавий ишлаб чиқариш мажмуаларини мисол келтириш мумкин.

Урни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистоннинг, жумладан, Қорақалпоғистоннинг ҳам энг заиф нуқтаси — бу коммуникация масаласи эканини мен доимо таъкидлаб келаман. Ана шу ўта муҳим муаммони ечиш бўйича мамлакатимизда кўп ишлар қилинган ва қилинаётганидан сизлар яхши хабардорсиз.

Айниқса, 345 километрли Навоий — Нукус темир йўли, Нукус билан Ҳўжайлини боғлайдиган улкан кўприк, Қўнғирот автомобиль йўли каби муҳим стратегик иншоотлар бу заминдаги беҳисоб табиий захираларни ўзлаштиришга, улардан авваламбор қорақалпоқ халқининг, бутун юртимизнинг фаровонлиги йўлида фойдаланишга хизмат қилади.

Ана шундай одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган ишларимиз ҳақида гапирганда, биринчи галда, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласини алоҳида айтиб ўтишимиз ўринлидир.

Охириги йиллар давомида фойдаланишга топширилган 243 километр узунлик-

даги Туямўйин — Нукус, 112 километр узунликдаги Нукус — Тахтақўпир сув узатиш тармоқлари бу борада гоят муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мураккаб экологик ҳудудларда яшаётган одамларга зарур шароит яратиш мақсадида Чимбой ва Тахтақўпир, Қўнғирот ва Қанлиқўл туманларининг олис қишлоқ ва овулларига, жами 390 та аҳоли пунктига ичимлик суви етказиб бериш бўйича қилган салмоқли ишларимиз барчамизни қувонтиради.

Ҳурматли юртдошлар!

Албатта, кўлга киритган бундай ютуқларимиз, улкан лойиҳаларни ўзлаштириш йўлида қилаётган меҳнатимиз ва ҳаракатларимиз халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустақкамлайди ва кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшади.

Айни пайтда олдимизда ҳали-бери ўз ечимини кутаётган, шу тупроқда яшаётган одамларни қийнаётган долзарб муаммолар ҳам борлигини эсдан чиқармаслигимиз ва бу масалалар доимо эътиборимиз марказида туриши зарурлигини англаб олишимиз даркор.

Шу ўринда мен аввало барча раҳбарларни — улар Тошкентда ёки Нукусда бўладими — огоҳлантириб, алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман:

Катта-катта лойиҳалар устида ишлаш билан бирга, одамларимизнинг кундалик ҳаётини муаммоларини ечиш, ташвишларини енгиллаштириш, уларга сўзда эмас, амалда гамхўрлик кўрсатиш, бу масалада лоқайдлик ва тўрачилик каби нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик, бир сўз билан айтганда, эл-улуснинг дардини ўз юраги, ўз қалбидан ўтказиб яшаш ва ишлашни бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Азиз дўстлар! Қорақалпоқ деганда, бу заҳматқаш халқнинг ўзига хос хусусиятлари, элли эл, юртни юрт қиладиган фазилатлари ҳақида гапирганда, аввало, бизнинг кўз олдимизда ўзининг узоқ тарихи давомида кўп азоб-уқубат, қирғин — қатағонларни бошидан кечирган, қанча-қанча оғир йўللари босиб ўтган, чидамли ва бағрикенг, мард ва матонатли бир халқ сиймоси пайдо бўлади.

Агар биз она заминга, Ватанга меҳр ва садоқат ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биринчи галда, саҳро кўеши, гармсел ва изғирин шамолларида тобланган, оғир табиий шароитда ҳам ўз юртининг тупроғини кўзига тўтиб қилиб, келажакка ишонч билан яшаётган қорақалпоқ эли ҳақида гапиришимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

(Давоми 2-бетда.)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ҳар йили 11 сентябрь кuni америкаликлар 2001 йилдаги террорчилик ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлган ватандошлари хотирасини қўқур қайғу ва эҳтиром билан ёд олади. Бироқ, ўша кuni фақат америкаликларгина ўз ақинларидан жудо бўлгани йўқ. Бошқа кўплаб мамлакатлар фуқаролари ҳам ҳалок бўлгани ёдимизда. Ватандошларим ҳамда шахсан ўзим сизларнинг қайғунгизга шерикимиз ва ўша террорчилик ҳаракатлари чоғида ҳалок бўлган ҳамюртларингиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш ва хотирлашда сиз билан биргамиз.

Террорчилар тинч аҳоли ҳаётига зомин бўлиб, тобора кенг кўламда қўрқув ва парокандалик уруғини сочиш ниятида. Улар цивилизацияга таҳдид солиб, низоларни ҳал этишнинг тинч ва оқилона усулларини инкор этмоқда. Террорчилар бошқаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини менсимай, тараққий этган дунёнинг барчамиз муносиб ҳаёт кечирishiимиз учун зарур бўлган эркинлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик каби қадриятларига белпесандлик билан қарамоқда.

Террорчиликка қарши кураш узоқ давом этади ва оғир кечади. Биз бу курашни ўзимиз ва фарзандларимизнинг ҳаёти учун, шунингдек, террорчилик қурбонларининг ёрқин хотираси учун давом эттирмаймиз.

Эҳтиром билан,
Жорж БУШ,
АҚШ Президенти

САҲРО ГУЛИ

Нукусим сен — Аму бўйида,
Олтин нури — саҳро гулисан.
Ота юртим Туркистонимда,
Дондор шаҳарлардан бирисан.

Сенда кўркли баҳор фасли бор,
Ҳавас билан сенга қарашар.
Тонг нуридай сулув ёшлигинг,
Ойдин келажакка улашар.

Юлдузлари очиб осмоним,
Қизқетганга қўмилиб оқим.
Бахти халқинг овоз инсонин,
Асл фахри, мрамар булоқсан.

Улуғ Тошкент — шарқнинг юлдузи,
Мададоринг ҳамда устозинг.
Ярашади сенга гўзаллик,
Жарангласин, Нукусим созинг.

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон
халқ шоири



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ХЎЖАЛИК МУНОСАБАТЛАРИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмининг такомиллаштириш, шартнома мажбуриятларига риоя этилиши ва қурилишнинг пировард натижалари учун инвестиция жараёни қатнашчиларининг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, виллоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 мартдаги 97-сон, 2002 йил 8 октябрдаги 347-сон ва 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорларини пуд-

рат қурилиш ташкилотларини, айниқса паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган ташкилотларни хусусийлаштириш дастурларини бажариш юзасидан ишларнинг қониқарсиз эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Давархитектурилиш» қўмитаси Қорақалпоғистон Республи-

каси Вазирлар Кенгаши, виллоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ҳукуматнинг юқорида қайд этилган қарорларида кўрсатиб ўтилган пудрат қурилиш ташкилотларини 2003-2004 йилларда хусусийлаштиришни тўлиқ тугалласинлар, улар негизда асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этсинлар.

Паст рентабелли ва зарар қўриб ишлаётган пудрат қурилиш ташкилотларини хусусийлаштиришда тегишли инвестиция мажбуриятлари мавжуд бўлган тақдирда объектларни қонун ҳужжатларига мувофиқ текин бериш кенг қўлланилсин.

(Давоми 2-бетда.)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НУКУС ШАХРИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кимки бу жафокаш халқнинг бегубор қалбини, асрий орзу-армонлари, интилишларини билмоқчи, англаб етмоқчи бўлса, унинг ақлзаковати билан яратилган «Қирқиз» ва «Шаҳриёр» каби ўлмас дostonларга, Кунхўжа, Ажиниёз ва Бердах сингари улкан шоирларнинг таъсирчан асарларига мурожаат қилса, ўйлайманки, ўзи учун кўп-кўп маъно топади.

Қорақалпоқ халқи азалдан ўзининг билимга ташналиги, санъатга бўлган юксак муҳаббати, ўз диёрининг бошқалар англаб етолмайдиган гўзаллиги ва жозибасини кашф этишдек ноёб истеъдоди билан барча-барчани мафтун этиб келади.

Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман. Қуни кеча Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишланган тантанали байрам томошасида Қорақалпоғистон санъат усталарининг ёрқин маҳорати, таъсирчан куй-қўшиқлари шахсан менга бениҳоя манзур бўлди.

Агар шу томоша якуни бўйича қандайдир танлов ўтказилса, бошқалар хафа бўлмасин-у, мен ҳеч иккиланмасдан биринчи ўринни қорақалпоқ санъаткорларига берган бўлув эдим.

Қорақалпоғистоннинг ана шундай катта иқтисодий, илмий ва маънавий салоҳиятини асраб-авайлаб, уни янада бойитишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Қаҳрамонлари Анисия Саидова, Алланиёз Ҳунаев, Тўлпбергенов Каипбергенов, улар қаторида Алимбай Мамутов, Турсунбай Ешжанов, Собир Камолов, Ибрагим Юсупов, Жўдасабек Қуттимуратов, Муяссар Раззоқова, Кенесбай Сержанов, Гулхатича Айимбетова, Элиза Айтниязова каби ўнлаб ишлаб чиқариш соҳаси, илм-фан ва маданият намоёндаларининг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Мухтарам юртдошларим! Биз бугун бетақдор қиёфа касб этиб бораётган кўпмиллатли Нукус шахрини йирик санъат, илм-фан ва маданият маркази, дўстлик ва биродарлик шаҳри, деб таърифлаймиз. Ва албатта бу таърифларнинг барчаси мустақкам ҳаётий асос ва заминга эга.

Буни ҳозирги вақтда Нукуса Фанлар академияси ва Бадий академиянинг филиаллари, Қорақалпоғистон давлат университети, қатор институтлар, қирққа яқин академик лицей, ўнлаб касб-хунар коллежлари, театр ва музейлар халқимизнинг маънавий-маърифий юк-

салиши йўлида хизмат қилаётгани ҳам тасдиқлайди.

Бугун халқимиз сингари қорақалпоқ эли ҳам нафақат бугунги ҳаёт, балки эртанги кунимиз, истиқбол орзуси билан, барчамизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизнинг тақдири ва келажагини ўйлаб яшамокда.

Шу маънода, Нукус шахрининг ўзига хос ва ўзига мос яна бир хусусияти ҳақида гапиришни ўринли, деб биламан. Бугунги кунда шаҳар аҳолисининг 65 фоизини 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади.

Бу ерда ҳар ўн нафар фуқаронинг бири, таъбир жоиз бўлса, талаба бўлиб ҳаёт кечирмоқда. Ва бундай ҳолат бу навқирон шаҳарнинг келажигидан, катта имкониятларга эга эканидан далолат беради.

Шу заминга хос, барчанинг ҳайрат ва ҳурмати, завқини уйғотадиган яна бир белги-аломат борки, у ҳам бўлса, мана шундай оғир ва мураккаб, ҳар қандай одам ҳам бардош беролмайдиган бир шароитда қорақалпоқ ёшларининг билимга, етук инсон бўлиб воғга етишга қатъият билан интилаётгани, халқаро фан олимпиадалари ва нуфузли жаҳон мусобақаларида қатнашиб, юксак марраларни эгаллаб келаётганидир.

Истиқболимиз тимсоллари бўлган Алишер Саноуллоев, Рустам Султонов, Руслан Ургенчаев каби билимдон ёшларимиз, Анифа Ортикова, Зиёда Шарипова, Махсет Утемуратов каби иқтидорли санъаткорларимиз, Бауржон Қаздаев, Эркин Қутибоев, Баҳром Эрматов сингари мард ва жасур спортчиларимиз нафақат қорақалпоқ эли, бутун Ўзбекистон халқининг фахри ва умиди, десак, асло хато бўлмайди.

Қадрли дўстлар! Мен бугун сизларнинг ҳузурингизга келаётган байрам арафасида Нукус шахрида амалга оширилган янги қурилиш ва ободончилик ишлари билан танишдим. Шунини мамнуният билан айтишим лозимки, қорақалпоқ халқининг бунёдкорлик салоҳияти тобора ортиб бораётганига ана бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Айниқса, янги қурилган шинам турар жой бинолари, гўзал майдон ва хиёбонлар, театр ва музей, спорт мажмуалари, бозорлар, замонавий талабаларга жавоб берадиган аэропорт, темир йўл вокзали ва бошқа қатор иншоотлар кўзларни қувонтириб, шаҳар чиройига чирой қўшиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шу эзгу ишларда фаол қатнашган қўли гул усталаримизга, қурувчи ва муҳандисларга, лойиҳачи ва пудратчи ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари, барча мутахассисларига ўз номимдан, халқимиз номидан чукчур миннатдорлик изҳор этаман.

Мухтарам ватандошлар, қадрдонларим, қорақалпоқ диёри, қорақалпоқ элини улуглайдиغان аломат ва хусусиятлар ҳақида кўп гапириш мумкин.

Лекин буларнинг ҳаммасини бир сўз билан ифода этадиган бўлса, қорақалпоқ мақолида айтилганидек, халқнинг бахту тахти — унинг туғилиб ўсган еридир, унинг жипслиги, аҳиллиги ва оғиз бирлигидир.

Бугунги унутилмас лаҳзаларда сиз, азизларнинг очик чехрангизга боқиб, аввал ҳам айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб ҳисоблаш менга ҳар доим куч-қувват ва қанот бағишлайди.

Шунинг учун мен ушбу гўзал оқшомда катта қувонч ва ифтихор билан:

— Ўз элим — қорақалпоғим омон бўлсин, ўз қалъам — Нукусим дунё тургунча турсин, дейман.

Ишонаман, қорақалпоқ диёрининг келажаги албатта ёруғ бўлади, қорақалпоқ эли бутун халқимиз қатори ўз олдига қўйган буюк мақсадларга албатта етади.

Ҳаммангизга сihat-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака ёр бўлсин! Яратганимизнинг ўзи барчамизни паноҳида асрасин!

Эзи дўстлар! Анди менга шарафли бир вазифани бажариш учун ижозат этгайсиз.

Хабарингиз бор, Нукус аҳлининг мамлакатимиз ривожига қўшаётган катта ҳиссасини, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг кўлаб соҳаларида кўлга киритаётган салмоқли ютуқларини, миллатлараро тотувлики мустақамлаш борасидаги хизматларини инобатга олиб ҳамда 70 йиллик тўйи муносабати билан Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Ушбу кутлуғ ва ҳаяжонли лаҳзаларда Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини сиз, ҳурматли, азиз юртдошларимизга топшириш менга чекисиз қувонч бағишлайди.

Бу юксак мукофот барчангизга муборак бўлсин, Нукуснинг шон-шухрати янада зиёда бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ХЎЖАЛИК МУНОСАБАТЛАРИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Пудрат қурилиш ташкилотларини хусусийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари тўғрисида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

2. 2003-2004 йилларда тўлиқ хусусийлаштириладиган лойиҳалаштириш ва қидирув ташкилотлари рўйхати маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, «Давархитектурилиш» қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда лойиҳа-қидирув ташкилотлари тўлиқ хусусийлаштирилишини ҳамда лойиҳа ишлари бозорида рақобат муҳити барпо этилишини таъминласинлар.

3. Қўйидагилар: марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом;

объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришга доир Намунавий пудрат шартномаси;

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, объектлар қурилишини марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошираётган вазирликлар ва идоралар 2004 йил 1 июлгача капитал қурилиш бўйича бюджет буюртмачиларининг фаолият кўрсатиб турган ҳудудий хизматларини (бошқармалар, бўлимлар, дирекциялар) тугатсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари муносабати билан таъминланаётган объектлар қурилиш учун ягона буюртмачи хизматларини ташкил этсинлар.

Объектларни марказлаштирилган манбалар ҳисобига

қуришда ягона буюртмачи ҳудудий хизматининг намунавий тузилмаси ва Ягона буюртмачи хизмати тўғрисидаги намунавий низом маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йил 1 январдан бошлаб ягона буюртмачи хизматларининг штат жадваллари ва таъминотига харажатлар сметаси белгиланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси 2003 йил 1 декабргача бўлган муддатда лойиҳа-қидирув ишлари қиймати шартномавий жорий нархларда белгиланган янги нархларга белгиланган тартибни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда объектлар қурилишининг умумий қийматидан лойиҳа-қидирув ишлари қийматининг чекланган даражаларини белгиласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси белгиланган тартибда:

пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат бюджетига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига тўловлар бўйича қарзлари (шу жумладан илгари кечиктирилган қарзлари) 2003 йил 1 сентябрдаги ҳолатига кўра тўловларни икки йил муддатга кечиктирган, улар бўйича бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга жорий тўловларни ўз вақтида тўлаш шарти билан кейинги икки йил мобайнида ушбу қарзларни ҳар ойлик тенг улушлар билан босқичма-босқич қайтариш йўли билан таркибини ўзгартиришни расмийлаштирсинлар;

пудрат қурилиш ташкилотларининг давлат бюджетига, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига муддати ўтказиб юборилган тўловлари бўйича пеня ва жарималарни 2003 йил 1 сентябрдаги ҳолатига кўра ҳисобдан чиқарсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н.Тўлганов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 сентябрь

ЖАЙҲУН СОҲИЛИДАГИ ГАВҲАР



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бу улугвор ишлар Истиқбол берган имкониятлар, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг дунёда бошқалардан кам бўлмайдиган ҳаётга эришиш, чинакам буюк давлат, овоз ва обод Ватан, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги эзгу иштиёқи, фидойи меҳнати, энг муҳими, истиқбол сари юксак орзуларга тўла қалб ва ёруғ юз билан бораётганидан далолатдир.

Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Юртбошимиз Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотини шаҳар ҳокими Ж.Бердиқоновга топширди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Т.Қаипбергенов, Зулфия мукофоти соҳибаси Д.Мамутова ва бошқалар Нукус шахрининг 70 йиллик тўйининг кенг ни-

шонлини ва «Дўстлик» ордени билан тақдирлини бутун қорақалпоқ элини беҳад қувонтирганини таъкидлаб, бундай катта эътибор учун Юртбошимизга миннатдорлик билдирди.

Юбилей тантаналарига бағишланган «Гул-яшна, азиз пойтахтим» мавзусидаги театрлаштирилган байрам дастури «Ватан мадҳи» кўшиғи билан бошланди.

Нукус санъат коллежининг чанқовузчи қизлари, «Айкулеш» ансамбли ҳамда бахши-

жировларнинг кўлаб қиратиётган, улугвор бунёдкорлик кайфияти билан яшаётган халққа бугунгидек катта байрамлар ярашишини яна бир бор намоён қилди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ, Аминбой ОРТИҚБОВ, ЎЗА махсус мухбирлари

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Дилнод ЮСУПОВ, Омонбой МУРОТОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Халқаро кўргазмалар

«O'ZBEKINPRINT» VA «O'ZUPACK» — 2003

«Ўзқспомарказ» павилонларида намойиш этилаётган матбаа соҳасидаги кўргазмалар шундай номланган. Улар Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Россиянинг Тошкентдаги элчихонаси расмий йўналишда ўтказилиб, Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган.

Бешинчи бор ташкил этилган кўргазмаларда Ўзбекистоннинг 30 дан ортиқ ва хорижнинг 20 та компанияси катнашиб, улар матбаа, нашриёт иши ва рекламанинг асосий йўналишлари ҳамда қадоқлаш ва ёрликлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги усуналар, материаллар ва технологияларни намойиш этмоқда.

Улар орасида матн ва сурат шаклидаги ахборотни қайта ишлаш, ранг ажратиш учун компьютер технологиялари ва ускуналари, энг янги матбаа машиналари ва матбаа жараёнининг замонавий технологиялари, ёрликлаш ва қадоқлаш санъати учун ускуналар ва материаллар кўпчилигининг эътиборини ўзига тортмоқда. Кўргазмалар мавзуси бежиз танланмаган. Зеро маҳ-

сулотни қадоқлаш ва унинг матбаа ижроси Ўзбекистонда ва бутун Марказий Осиё минтақасида тобора катта аҳамият касб этмоқда. Боз устига бу тармоқ ҳозир энг оддий товарни ҳам рақобатбардош қилиш учун деярли чекланмаган технологик имкониятларга эга. Сир эмаски, кўпгина ўзимизнинг маҳсулот айнан шу босис чет эл товарларига ютазиб қўяди.

Халқаро санъат анжумани кўргазмаларнинг таркибий қисми бўлди. Унинг доирасида матбаа тармоғи, қадоқлаш санъати ва ёрлик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг энг долзарб масалалари бўйича техник ва технологик семинарлар, конференциялар ўтказилди, экспонент фирмалар ва республика ҳудудида амалга оширилаётган янги лойиҳаларнинг тақдиротлари ушштирилиб, минтақалар вакиллари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

Абдугуни СОДИҚОВ
Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ширишди. Абдусамат Курбонов, Мусажон Матъинов, Олимжон Жўраев, Ҳоҷатхон Маматқулова, Тўхтажон Курбонова сингари пахтакорлар бу ютуққа муносиб улуш қўшилиб.

Пешқадам пахтакорлар яна 20 тонна пахта топшириш учун астойдил ҳаракат қилишяпти.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Ҳуқуқий ислоҳот

«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунни ҳеч қандай муболағасиз тарихий ҳужжат деб аташ мумкин.

Авалло, Жиноят кодексига киритилган муҳим ўзгаришлар хусусида тўхталиб ўтамиз. Жиноят кодексининг «Жиноятларни таснифлаш» деб аталган 15-моддасига мувофиқ ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркуми кенгайтирилди. Масалан, агар илгари жиноятларнинг бу туркумига фақат озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қоралари назарда тутилган жиноятлар киритилган бўлса, энди қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар ҳам қўшимча қилиш сифатидаги қўшимча жазо нақарб ташланди. Бу билан қамақда жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг, шу билан бирга уларнинг оила аъзоларининг ҳам

иқтисодий ҳуқуқларини оёқ ости қилиш амалиётига барҳам берилди. Ўзбекистон жиноят қонунчилигида ўлим жазоси сифатидаги жазо мавжуд бўлган давлатлар қаторига кирди. Бироқ, ўтган ўн йил ичида содир қилганлиги учун ўлим жазоси қўлланилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарни жамятдан ажратмасдан туриб қайта тарбиялаш учун имконият яратди. Ўлим жазосининг хотин-қизлар ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилмағли қонунда илгаридан белгилаб қўйилган эди. Янги қонун

қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас, деган мезёр киритилди. Жиноят натижасида етказилган мулк зарарининг қопланиши жиноят соҳасидаги суд ишларини юритишнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки бу жабрланувчининг қонуний манфаат-

ция суди озодликдан маҳрум қилиш тарихисиде таъинланган жазони бошқа жазо билан алмаштириш масаласини ҳал этиши шарт.

Республиканинг амалдаги Жиноят ва Жиноят процессуал кодекслари тарафлар ярашганликлари туфайли жиноят ишларининг тугатилиши тартибини назарда тутмас эди. Натижада катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган, кам аҳамиятли жиноятларни содир қилган шахслар, ҳатто улар етказган зийнининг ўрнини қоплаган, ўзлари қилган қилмиш оқибатларини англаб етган ва жабрланувчи билан ярашган ҳолларда ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилинмасди.

Эндиликда янги қонунга мувофиқ айбланувчи жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Ярашиш мумкин бўлган жиноятлар туркуми қонунда қатъий белгилаб қўйилган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга оид 26 та жиноят тартибини ўз ичига олади. Жумладан, қасддан баданга енгил шикаст етказиш, тўхтаёт, ҳақорат қилиш, транспорт воситалари

ҳаракати ёки улардан фойдаланиш ҳавфсизлиги қондалари бузиш ва бошқалар. Илгари тергов муддатлари икки йилгача, қамоқда сақлаб туриш муддатлари эса бир ярим йилгача узайтирилиши мумкин эди. Эндиликда ушбу ҳар иккала муддат тўққиз ойгача ва фақат факулда ҳолларда тергов қилинаётган ишнинг алоҳида мураккаблигини ҳисобга олиб, бир йилгача узайтирилиши мумкин. Айтиш мумкинки, тергов ва қамоқда сақлаб туриш муддатларининг қисқартирилиши фуқароларнинг сарсонлиқдан, жиноят ишларини тергов ва судда кўриб чиқишнинг асосиз қўзиб юборилишидан ҳимоялашнинг муҳим кафолати бўлади.

Ҳулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши қонунларимизнинг ҳақиқий маънода инсонпарварлик тамойилига асосланганлигини кўрсатади.

Раҳимқул ТОШБОВЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг судьяси

ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

бўлган жиноятлар сонини чеклаш тенденцияси кузатилмоқда. Ҳозирги вақтда ўлим жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми), агрессия (ЖКнинг 151-моддаси 2-қисми), геноцид (ЖКнинг 153-моддаси) ва терроризм (ЖКнинг 155-моддаси 3-қис-

дан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятларни содир қилган вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо қўлланилмайди. Бу ҳолат вояга етмаган ёшдаги

бундай қондани олтиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан ҳам тегишли қилиб қўйди. Бундан ташқари жиноят кодексига озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятларни содир қилган вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазо қўлланилмайди. Бу ҳолат вояга етмаган ёшдаги

ХДП хабару

Минтақавий семинарлар ниҳоясига етди

Ўзбекистон ХДП МК Котибиятининг қарорига мувофиқ ўтказилган минтақавий ўқув семинарларининг сўнггиси 2003 йилнинг 9 сентябрь куни Тошкент шаҳар партия ташкилоти негизда бўлиб ўтди. Унда иштирок этган партия фаоллари — туман партия кенгашлири котиблари ва масъул ходимлари, ХДПдан сайланган депутатлар, қатор бошланғич партия ташкилотлари етакчилари диққатига Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг «Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг партия МК В пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари» мавзусидаги маърузаси ҳавола қилинди. Тадбирда Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Латиф Фуломов маъруза пленум қарорларини баҳарлиш юзасидан шаҳар партия ташкилотларининг олиб бораётган ишлари ҳақида ахборот берди, МК масъул ходими Собир Усмонов сайлов округларидаги партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш масалалари тўғрисида гапирди.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Фаолликни ошириш
мақсадидаги сайё-ҳаракатлар Ўзбекистон ХДП барча ташкилотларининг диққат марказида бўлмоқда. Бу ҳақда партия Марказий Кенгашига келаётган ахборот ва таҳлиллар гувоҳлик беради. Масалан, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши Окўргон туман партия ташкилоти негизда Олий Мажлис XII сессияси якунларига бағишлаб, шаҳар ва туман партия кенгашлири биринчи котибларининг йиғилишини ўтказди. Унда вилоят партия кенгаши биринчи котиби С.Аъзамов сессия ҳужжатларидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Тадбир иштирокчилари — Окўргон туман партия кенгаши биринчи котиби М.Турдибоев, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Р.Болтабоев, «Камолот» ЕИХ туман бўлими раиси ўринбосари Ш.Тошқуллов, йирик бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, маҳалла оқсоқоллари ва бошқа фаоллар муҳожида қилинган масалалар юзасидан фикрлашди. Нотиқлар асосий эътиборин парламентнинг XII сессияси ҳужжатлари ва унда қабул қилинган қонунларни фуқароларга етказиш ва аҳолининг сиёсий оғи, ҳуқуқий маданиятини ошириш вазифаларига қаратдилар. Йиғилишда Окўргон тумани ҳокими Т.Ботиров сўзга чиқди.

Партия Юнусобод туман кенгаши ҳам Олий Мажлисининг XII сессияси якунларига бағишланган «давра сўхбати»ни ташкил этди. Туман ҳудудий тибийет бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган маъруза тадбирда Тошкент давлат юридик институти доценти, партия фаоли Х.Рўзиметов сессияда қабул қилинган қонунлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапирди, иштирокчиларнинг саволларига жавоб берди. ХДП туман кенгаши биринчи котиби У. Шоймиқуллов ушбу доирадаги тадбирларни меҳнат жамоалари, маҳаллаларда ташкил этиш, нодавлат, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари тўғрисида сўз юритди.

ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашида қадимий шаҳар меҳмони бўлиб турган, АҚШ Миллий Демократик институтининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Ричард Глауб билан учрашув бўлиб ўтди. Меҳмон нафақат партия фаоллари, балки, кўпгина нодавлат нотиқорат ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашган сўхбат давомида улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш мақсади борлигини билдирди. Ўз навбатида, вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ж.Нуруллоев партия ташкилотларининг фаолияти, амалга оширилаётган ишлар ҳақида америкалик меҳмонга гапирди берди.

Чортоқ туман партия кенгаши «Ўнгутилмас сиймолар» мавзусида «давра сўхбати» ўтказди. Унда қатагон даври қурбонларига айланган чортоқликлар ёдга олинди. Йиғилиш иштирокчилари қатагон қурбонларининг ҳаёт йўллари, ватанпарварлиги ҳамда миллий мустақиллик учун олиб борган курашлари ҳақида гапирдилар. Бу эса тадбирда иштирок этган «Шардад катта қизикчи» ўйотди.

ХДП Наманган туман кенгаши қатор ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотлари негизда «Бахт оиладан бошланади» мавзусида тадбирлар ўтказди. Тадбирлар асосан маҳалла ва оилаларда миллий қадриятларни сақлаш, ибратли оилаларни қўлайтириш мақсадида ташкил қилинган. Фаол партиядошларимиздан туман ҳокимининг ўринбосари Т.Сиддиқова, туман ижтимоий тасвиноят бўлими бошлиғи Д.Ҳошимовлар тадбирларда ана шулар ҳақидаги маърузалари билан қатнашдилар. Тадбирларда иштирок этган қатор ибратли оилалар туман партия кенгашининг совғаларига сазовор бўлдилар.

Поп ва Тўрақўрган туман партия кенгашлири ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп болали оилаларга ёрдам қўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Партия ташкилотлари ҳомийлар толиб, шароити оғир бўлган ўқувчиларнинг ўқув қуроллари билан таъминлашида ҳамда боқувчисини йўқотган икки нафар қариёни ижтимоий ҳимоялашда амалий ёрдамлар ташкил этдилар.

Огоҳликка даъват

2001 йил, 11 СЕНТЯБРЬ

БУ САНА ИНСОНЯТ ХОТИРАСИДА ЎЧМАС БЎЛИБ ҚОЛДИ

Инсоният тарихида унутилмайдиган қонли воқеалар кўп бўлган. Биринчи ва иккинчи жаҳон уруши, Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбасининг ташлалиши... Энди унинг қаторига 2001 йил, 11 сентябрь воқеаси ҳам қўшилди. Унинг бошқа воқеалардан фарқи шундаки, унда тинч аҳоли террор қурбони бўлди. Уч ярим мингдан ортиқ қурбон. Воқеани эслашдан юраклар зада. Чунки бу террорчилик акти америкаликлар учун сўнгги 75 йил давомида содир этилган энг қонли воқеа бўлиб муҳрланиб қолди. Буни RogerASW ўтказган ва нашр этган сўров натижалари ҳам тасдиқлаб турибди.



Гап шундаки, 18 ёшдан ошган 1037 нафар америкалик сўровда қатнашган бўлса, шундан 65 фоизи маъзур террор актини энг қонли воқеа, деб тан олган. Сўралганларнинг 61 фоизи эса бундай мезонга ёнқиларининг Перл-Харборга ҳужумини лойиқ кўришди. Сўровда қатнашганларнинг учинчи гуруҳи, яъни 46 фоизи Хиросима ва Нагасакига атом бомбаси ташлалишини энг даҳшатли воқеа, деб билди. Лекин нима бўлганда ҳам дунё ахли видеоасмалар орқали воқиф бўлган 11 сентябрь кунги Америка фожияси хануз инсоният кўз ўнгиде турибди.

09.15 — Президент Буш террорчилик акти юзасидан баёнот берди.

09.25 — АҚШнинг Федерал авиация бошқармаси Нью-Йорк аэропортдаги аэропортларни ёпди. Шунингдек, Манхэттендаги кўприклар ва ер ости йўллари ҳам ёпилди. Парвоздаги барча самолётлар яқин аэропортга аэропортларга тезда қўниши боюрилди.

09.40 — Вашингтон аэропортдаги Пентагон биносига яна бир самолёт қилиб қўрилди. Унинг бортида 2 учувчи, 4 борт кузатувчиси ва 58 йўловчи бўлиб, Вашингтондан Лос-Анжелесга уаётган эди.

10.00 — Вашингтондаги Давлат департаменти ва Конгрессменлар биноси аэропортда портловчи моддалар тўдирилган автомобиль портлайди.

10.30 — Террорчилар томонидан яна бир олиб қочилган самолёт Питтсбургда қулаб тушди. Самолёт Нью-Йоркдан Сан-Францискога 3,5 йўловчини олиб кетаётган эди. Барчаси (2 учувчи ва 5 борт кузатувчиси ҳам) ҳалок бўлди.

Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида факулдада ҳолат жорий этилади. Аҳоли саросимага тушмасликка чақирилади.

Шундай қилиб аниқланган маълумотларга қўра, террорчилик акти сабаб шу кун 80 мамлакатнинг 3,5 мингдан ортиқ фуқароси қурбон бўлди. Бундан ташқари 343 нафар ўт ўчирувчи ва полициячи ҳам одамларни қўтариш ишларида жонини фидо қилди. Уларнинг жонбозлиги боис 30 минг киши қутқариб қолинди.

Осмонлар қўшалок бино — Жаҳон савдо маркази эса бутунлай ер билан яқсон бўлди. Маъзур бино 110 қаватли бўлиб, баландлиги 415 ва 417 метр эди. У 750 миллион долларлик

маблағ эвазига 1973 йили қурилган. Архитектори — Минору Ямасак. Бино 115 гектар майдонни эгаллаган. Унда 50 мингга яқин ходим ишларди. Бундан ташқари ҳар куни 100 минг одам келиб-кетарди. Террор содир этилишидан 2 ой олдин Нью-Йорклик магнат Ларри Сильвэстрайга 99 йил муддатга ижарага сотилган эди. Унинг ижара суммаси 3,2 миллиард долларни ташкил этганди. Бинода турли мамлакатларнинг 1200 та фирмаси жойлашган эди.

Пентагон биноси ҳам йирик қурилишлардан саналади. Унга 1941 йил 11 сентябрда тамал тоши қўйилган. 16 ойдан сўнг, яъни 1943 йил 15 январда фойдаланишга топширилган. Бинонинг майдони 29 акри, Пентагоннинг умумий майдони эса 343,7 минг м² ни ташкил этади. Лойиха қиймати 83 миллион долларга тенг.


Террорчилик актидан сўнг бинони қайта тиклаш ишлари қизгин олиб борилди ва белгиланган муддатдан бир ой аввал, яъни 2002 йил июнда якунланди. Яқинда, аникроғи, 11 сентябрь кун Американинг ўнлаб шаҳарларида террор қурбонлари хотирлаш тадбирлари ўтказилди. Асосий маросимлар Вашингтон, Нью-Йорк ва Пенсильванияда бўлди. Бирок хотирлаш тадбирлари ўтган йилдаги қараганда кичикроқ ва жиддийроқ тусда ўтказилди. Президент Буш бу кунни «Ватанпарварлик кун» деб эълон қилди. Шунингдек, терроризмга қарши кураш қонунлари ҳам акс этишини, яъни қаттиққўл қонунлар кераклигини алоҳида уқтирди. Бу борада Конгресс қонунларга ўзгаришлар кирити-

ли кераклиги таъкидланди. Нью-Йоркдаги Жаҳон савдо маркази ўрнида ўтказилган тадбирга қурбонларнинг қариндош-уруғлари ва яқинлари йиғилдилар. Қурбон бўлганларнинг номлари ёзилган лавҳаларга гуллар қўйилди, сўнг номи аниқланган 2792 кишининг исми-шарифи бирма-бир ўқилди. Уларнинг номлари 6 та мармар тошга ўйиб ёзилган. Мотам маросими 4 соат давом этди.

Пентагонда эса қурбонлар хотирасига ёдгорлик очилди. Пенсильванияда ҳаётдан қўз юмганларнинг қариндошлари қурбонлар хотирасига дарахт қўчалари ўтказилди.

Шу кун мамлакатдаги АҚШ ва хоржий давлатлар байроқлари тушириб қўйилди. Ҳа, террор қурбонлари энди фақат хотираларда қолди. Шундай бўлмаслиги ҳам мумкинми? Ҳа, балки мумкин эди. Бунинг учун огоҳлик зарур. Юртбошимиз олиқ минбарларда туриб жаҳон афкор оммасини неча бор халқор терроризм балосидан огоҳ бўлишга чақирди. 11 сентябрь воқеаларидан сўнггина қудратли давлат АҚШ бошчилигида халқор терроризмга қарши кенг миқёсда кураш бошланди. Бу курашни Ўзбекистон ҳукумати ҳам қўллаб-қувватламоқда ва ўз хиссасини қўшмоқда. Негаки, Ўзбекистон террор балосидан азият чеккан давлат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам огоҳлик ҳар биримиз теран англашимиз лозим бўлган мезонлардан биридир.

Алимуқул СУЛТОН



БМТ — ЧЕКИШГА ҚАРШИ

БМТ шу пайтгача мамлакатларда жорий этилаётган антитамки кампаниясига биринчи марта қаршиллик билдиришга қарар қилди. БМТнинг «Дейли Телеграф» газетаси. Энди эса жамоат жойларида чекишга БМТ ҳам қаршидир. Гап шундаки, аввал, яъни 5 ой муқаддам Нью-Йорк шаҳри раҳбарияти шаҳардаги жамоат жойларида чекишни тақиқловчи қонун чиқарди. Яқинда эса худди шундай тақиқлов бутун Нью-Йорк штати бўйича жорий этилди. БМТнинг штаб-квартираси эса Нью-Йорк шаҳрида жойлашган. Демак, қонун уларга ҳам тааллуқли. Шунинг учун ҳам БМТ Бош котиби Кофи Аннан имзо чекиб махсус қарорга қўра БМТ бош қароргоҳида чекиш ўтган ҳафтадан тақиқланди.

«Бош қароргоҳида жойлашган штатнинг қонун-қоидаларига биз ҳам амал қилишимиз керак» деди БМТ бош котиби Кофи Аннан. У БМТнинг барча чекувчи дипломатларини қоидага риоя қилишга чақирди. Ахс ҳолда маъмурий чора қўришга тўғри келади.

Аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулклар учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтади. Танлов савдоларига ва аукцион савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтади. Аукцион савдолари соат 11.00 да бошланади. Танлов савдолари соат 12.00 да бошланади. Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш. Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16а. Савдоларда қатнашиш учун объект нахидан 10% микдорда заклад пули туланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани.

А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Шунингдек аввал аукцион савдоларига қўйилган Тошкент шаҳар ҳокимияти Ободлаштириш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Оқунобоев кўчаси, 34-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси — 9 849 675 сўм бўлган Қисқа муддатли автомобиль тўхташ жойлари хизматининг асосий воситаларини ва айланма активларининг 75 фоиз улмуш бўлган объект

Савдолардан олинди.

10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича тақиллар.

Аукцион савдоларига қўйилган кўчмас мулклар учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтади.

Танлов савдоларига ва аукцион савдоларига қўйилган ер майдонлари учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтади.

Аукцион савдолари соат 11.00 да бошланади.

Танлов савдолари соат 12.00 да бошланади.

Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш. Миробод тумани, Мовароуннаҳр, 16а.

Савдоларда қатнашиш учун объект нахидан 10% микдорда заклад пули туланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани.

А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

Шунингдек аввал аукцион савдоларига қўйилган Тошкент шаҳар ҳокимияти Ободлаштириш бош бошқармасининг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Оқунобоев кўчаси, 34-уйда жойлашган, бошланғич баҳоси — 9 849 675 сўм бўлган Қисқа муддатли автомобиль тўхташ жойлари хизматининг асосий воситаларини ва айланма активларининг 75 фоиз улмуш бўлган объект

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ КИМОШДИ ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

2003 йил 19, 26 сентябрь ва 3, 10, 17, 24 октябрь кунлари аукцион савдоларини ўтказди.

Аукцион савдосига қўйилганлар қўйилди:

- «TOSHSANAHARNUR» давлат унитар корхонасига қарашли Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Мирзо Хайдар кўчаси, 3-уйда жойлашган «ELEKTROMONTAJ SOZLASH BOSHOARMASII» мол-мулклар (биносиз).

Бошланғич нархи — 16 380 700 сўм ёки 23 566 АҚШ доллари.

2003 йил 26 сентябрь ва 3, 10, 17, 24 октябрь кунлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Илмий техника тараққиёти мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказининг Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Х.Султаймонова кўчаси, 2-уйда жойлашган шўба корхонаси шаклидаги «NITEK» замонавий ахборот технологиялари агентлиги

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 145 мавзесида жойлашган, сатхи 0,04 га бўлган 1 та ер майдони.

Бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» дахасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги буш ётган ва ёнган уйлариинг пойдеворлари эгаллаб турган, ҳар бирининг сатхи 0,03 гектар бўлган қуйдаги ер майдонлари:

- Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги, Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида, Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида, Спутник-1 мавзеси, 60-уй, Спутник-2 мавзеси, 51-уй.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 714 000 сўм.

10, 17, 24, 31 октябрь кунлари танлов савдоларини ўтказди.

Танлов савдоларига қўйилган объектлар қўйилди:

- Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, М.Ашрафий 2-тор кўчаси, 4-уйда жойлашган «МУЗАЙМОК» давлат унитар корхонаси мулкий мамуласи.

Бошланғич нархи — 70 886 000 сўм.

Танлов шартлари:

- Замонавий халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи корхонани ташкил этиш.
- Қайта ташкил этилган корхонани замонавий ускуналар билан жиҳозлаш.
- Корхонанинг мавжуд кредиторилик қараларини тўлаш муддатлари.
- Бино ва иншоотларни қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланган сармоялар ҳажми.
- Корхонани ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
- Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича тақиллар.
- 29, 26 сентябрь ва 3, 10 октябрь кунлари
- Мирзо Улўбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улўбек тумани, Қаландар кўчаси, 14-уйда жойлашган 60-сонли болалар богчаси қўйилди.
- Бошланғич нархи — 30 247 100 сўм ёки 36 884 АҚШ доллари
- Танлов шартлари:
- Мақтабача ва бошланғич мактаб ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга

Маънавият — асл бойлик

Мени шайдо қиладурган бу кўнгилдир, бу кўнгил. Хору расво қиладурган бу кўнгилдир, бу кўнгил. лутфий.

Одамзод пайдо бўлиб дики, кўнгил тушунчаси у билан бирга, ёнма-ён яшайди. Тун-кун ҳамроҳлик қиладди.

кат қиламиз. Бир ўйлаб кўрайлик, аслида кўнгил бизни эмас, биз кўнгилни бошқарамиз-ку...

Иккинчи воқеа Тошкент шаҳридаги туғуруқхонадан болабала Лобарга ҳам етиб борди. Шундоқ ҳам эрининг юриш-туришидан хавотир олаётган аёл ўз ёндоғи ўз қоврулар, бировга чурқ этиб оғиз очмасди. Бу орада эр кун-кунора жанжал кўтарадиган қилик чиқарди. Сўнг судга хотини билан ажралиш ҳақида

Тавба, юз деган нарса қолмабди буларда. Оддий шприцдан тортиб, қиммат дори-дармонга олиб келганимиз етмагандай, ўз набирамизни ҳам сотиб олсак-а? Тўғри айтасиз. Касалхоналару туғуруқхоналарга давлат томонидан маълум миқдорда дори-дармон бериларкан. Қаёққа гум бўлаятти улар? Улар дўхтирларнинг ўзида. Пулини тўласангиз, сиз учун топиб келдим, деб ишлатишди. Акс ҳолда ўзингиз сотиб олиб келишга мажбурсиз. — Бошқа иложингиз ҳам йўқда. Айниқса, қўзингиз ёки келиннингиз ҳаёти қил устида турган бир пайтда...

«Мулоқот»нинг янги сони

Юлдузи порлоқ шаҳар



«Мулоқот» кейинги сонларида республикамиз вилоятларидаги муаллифларга, айниқса, у жойларда тараққий этаётган интеллектуал салохиятга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Қадимий ва навқирон Самарқанд мамлакатимизнинг йирик маданият ва илмий марказларидан бирidir. Журналнинг мазкур сони Самарқандлик олимлар билан ҳамкорлик асосида тайёрланган. Илк саҳифа шарқ дурдонаси ҳисобланган Самарқанд тўғрисидаги «Юлдузи порлоқ шаҳар» сарлавҳали мақола билан очилади.

Ушбу сонда Самарқанд давлат университетининг ректори Рустам Холмуродов, Самарқанд кооператив институти ректори А.Жабриев ва шу институт доценти Б.Абдукаримов ҳамда Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти раҳбари А.Исмоилов ўзларининг илм ва тарбия масалаларида олиб борилаётган хайли ишлар ва кадрлар тайёрлаш жараёни тўғрисида хўжа қиладилар. СамДУ мураббийлари — академик Ботирхон Валихўжаев «Теран илдишлар», профессор Ж.Яхшилик «Парламент истиқболлари», доцент Н.Убайдов «Улугбек баҳра тоған мерос», тадқиқотчи М.Абдуллаева «Бобур ва Абулғози Баходирхон» деган мақолалари билан катнашганлар. Таниқли адабиётшунос Сайдулла Мирзаевнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шўҳрат таваллудининг 85 йиллигига бағишланган «Истеъдод — халқ бойлиги» мақоласи ҳам шу сондан ўрин олган. Профессорлар Аҳмадхон Солиев ва С.Каримов ўзларининг «Нотиклик — давр талаби» мақоласида айни дамларимиз учун гоят долзарб муаммони кўтардилар.

Муҳлисларимиз Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетига узок йиллардан бўён фаолият кўрсатиб келаётган «Шалол» адабий тўғраги иштирокчиларидан бир гуруҳининг янги шеърлари билан танишадилар.

Бугунги архитектурада ландшафт меъморчилиги катта ва муҳим ўрин эгаллайди. Самарқанд давлат меъморчилик ва қурилиш институти ректори С.Бобоев ва институт профессори А.Уролов ўзларининг мақолаларида ландшафт меъморчилигининг тарихи ва ҳозирги муаммолари тўғрисида фикр билдирадилар. Шу билим даргоҳи доценти Э.Тўрақулов «Замонавий таълим сарҳашмаси» мақоласида олий таълимга қўйилаётган бугунги талаб тўғрисидаги кузатишларини баён қиладди. Профессор Ш.Аҳмадов ва доцент Б.Қаршиев журналистик мақолаларида тарбия таълимоти тўғрисида ёзадилар.

Журналнинг доимий муаллифларидан бири — Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти ректорининг маънавият-маърифат масалалари бўйича ўринбосари, сиёсий фанлар доктори Ж.Бахронов «Тарих — буюк тарбиячи» мақоласида тарихий мероснинг тарбиявий роли борасида баҳс юритади.

Туркистон иқтимоий-сиёсий ҳаётида жадидчилик катта воқеа бўлган эди. Ушбу ангиланин сабоқлари ва тарихий аҳамияти ўрганилиши ва ўзининг муносиб баҳосини олиш зарур. Самарқанд чет тиллар институти профессори Р.Шодиев ва тадқиқотчи Д.Амриддинованин «Жадидчилик гоёси» мақоласи шу сингари муҳим мавзуга бағишланган.

Шунингдек, журнал ўқувчилари ушбу сонда «Мулоқотта мактублар рундида берилган журналонларнинг хатлари билан танишадилар. Рашид РАҲИМОВ

БУ КўНГИЛДИР, КўНГИЛ...

Шундан бўлса керак «Кўнглим тоғдек кўтарилди», «Кўнглимдаги иш бўлди-да», «Кўнглим қолди», «Кўнглим чўкди» каби ибораларни кўп ишлатамиз. Ушбу иборалар маълум маънода ҳаётимиз, хатти-ҳаракатимиз ва кайфиятимиз даражасини ифодалайди.

Баъзан ўйлаб қоламан: кўнглим ўзи нима? Ҳажми борми? Ранги қанақа? Мавжуд бўлатуриб, нечун кўзга кўринмайди? Нечун биз ҳаётимиздаги асосий воқеа-ҳодисаларни у билан боғлаймиз. Биттагина кўнглимни кўп нарсаларга нисбатан ишлатаварамиз? Фейл-атвори бўлмағур кимсаларни «кўнгли қора»га чиқарсак, хўшмуомала, ёқимтой инсонларни «кўнгли тоза, кўнгли пок» деб алқаймиз. Эҳтимол, кўнглим қалбнинг синонимидир? Нима бўлганда ҳам кўнглим биздан, биз кўнглимдан йироқ кетолмаймиз. Хаттоки, билиб-билмай босган қадамларимизни ҳам ундан кўрамай, хатоларимизни унга тўнкаша хара-

Лобар келишган ва чиройли аёл эди. Ҳар қандай либос ҳам қўйиб қўйгандай ярашаверарди. Устига устак ширинсўз. Икки нафар фарзанднинг онаси. Бахтиёр рафиқа. Ҳамнинг хаваси келарди унга. Кейин эса... «Дом»да Лобарнинг эри бошқа аёлга илакишиб қолди, деган гап тарқалди. Бунга биров ишонди, биров ишонмади. — Баъзи эркакларнинг гули кўпайса, ахволи шу-да. Лобар кимдан кам ахир, ҳали ўн та кизининг хусни бор унда. — Ҳадеб эрини ёмонлайвермайлик, хотинида ҳам бордир, тўрт девор яширган нарсани биз қаёқдан биламиз. Қолаверса қарс ҳам икки кўлдан чиқади.

— Лобарда бирор нарса бўлса, шу пайтгача билган булардик. Тагинам ичига ютадиганлардан экан у шўрлик. Ҳаёт шунақа-да, эркакларни муҳокама қилиб бўлмайди. Кўнглига келган ишни қиладди улар. — Кўнгли ҳам ўлсин, гудай

ариза берди. Судда эса болаларимга алимент тўлайман холос, бошқа ҳеч нарса бермайман, деб туриб олди. Судья икки нафар фарзанд учун ота уйдан бир хонани ажратиб берди. Ота — эр эса суднинг эртасигаёқ дон олишиб юрган аёлини олиб келиб, хотини ва фарзандлари кўз ўнгида бирга яшай бошлади. Бунга чидай олмаган Лобар болаларини олиб уйдан чиқиб кетди. Чунки, у суд томонидан ажратиб берилган бир хонадан фойдалана оларди холос, эгаллик қилиш ҳўқуқидан маҳрум экан. Бундай ҳолда эр унга бир хона уйнинг пулини тўлаши ёки бошқа ўли бериши керак бўларкан. Афсуски ўз машаъти билан овора эр на унисига кўнган, бу воқеага анча бўлган.

Ҳозир Лобарнинг икки ўғли ҳам топармон-тутармон, уйлй-хўйли. Онани бошларига кўтаришди. Мен эса ўйлаб ўйимга етолмайман. Шу кўнглининг ишимми? Агар шундай бўлса кўнглим деганлари бетайину беқарор бир нарса экан-да!

ганим бўлади аслида. Иложи бўлса-ю кизим азоб чекмаса, тўлғоқ дардини ҳам мен тортсам. Ичкаридан чиққан хар бир оқ халатлига илтижо, умид ва нажот билан боқаман. Кўзим бирданга ёнимда ўтирган аёлга тушиб қолади. Келинни олиб келган экан. Қўлида алоҳида-алоҳида қилиб ажратилган пуллар.

— Буниси тўғдирадиган дўхтирга, буниси ҳамширага, буниси палончию пистончига, — дейди у.

Унинг гапи тугар-туғамас ичкаридан хўшбичим шифокор аёл чиқиб келди. — Суянчини бераверинг, — деди у халиги аёлга юзланиб. — Вой, айланай сиздан, ўғилми, кизми? Нима бўлсаям келиним зийн-заҳматсиз туриб олибди-ку, мана, атаганим, олинг.

Шифокор шошилиб пулни олди-да, ҳамнинг кўз олдида тортинмасдан санаб чиқди. Суянчини мўлжалидан камроқ экан шекилли, у бор овозда бақира кетди. — Айтдим-ку, сизга, менинг

даиб кетма. Букротдан сўрабдилар: — Қайси нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди? Букрот дебди: — Ҳикмат барча нарсадан юқри тургай, адолат биноси эса ҳеч қачон вайрон бўлмағай.

Гулчехра ЙўлДОШЕВА

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Машхур ҳақим Ибн Сино хасталик тўшаганда ётганда шогирдларидан бири сўрабди: — Устоз, агар сиз ёруғ дунёдан кўз юмиб кетсангиз, ўринингизга қим беморларни далаюлайди? Шунда Ибн Сино: — Мендан кейин ўринимга қатик қолади, —

дейди. Машхур ҳақим Жолинус дебди: — Ҳақим, камчилигини англамаган одамни ислоҳ қилишга уриниш фойдасиздир. Ҳақимнинг оғоҳ бўлиш, камчиликлари тўзат, вайдонсиз одамлар ва хўшомадгўйларнинг рийқорона мақташларига алданма, гер-

даиб кетма. Букротдан сўрабдилар: — Қайси нарса ҳеч вақт вайрон бўлмайди? Букрот дебди: — Ҳикмат барча нарсадан юқри тургай, адолат биноси эса ҳеч қачон вайрон бўлмағай.

«Асака» банк «ЎзДЭУ авто» компанияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига автомобиль сотиб олиш учун кредит беришни қайтадан бошламоқда. Кредит бериш шартлари: — шахсий маблағларнинг дастлабки бадали автомобиль баҳосининг 60 фозини ташкил қиладди; — автомобиль баҳосининг 40 фозини миқдоридан берилган кредит йиллик 20 фозга тўлов билан 2 йил муддатга расмийлаштирилади; — сотиб олинган автомобиль берилган кредит учун гаров сифатида қабул қилинади; — барча зарур ҳужжатларни бевосита автосалонларда расмийлаштириш мумкин.

Ҳикматли сўзлар маъноси

Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас. Одатда совлиқнинг бошидан кўчқорнинг боши каттароқ бўлади. Рўзгорда ишлатиладиган қозонда бир йўла икки совлиқнинг калласини қайнатиш мумкин-у, аммо икки кўчқорнинг калласини бир қозонга сиғдириб ҳам, бир йўла қайнатиб ҳам бўлмайди. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Бир мамлакатда икки подшо, бир шаҳарда икки ҳоким, умуман, феъл-атвори бир-бириникига тамоман эйд бўлган икки киши бир ерда ўзаро келишиб, тинч-тотув яшай олмайди», деган маънода қўлланилади. «Бир унурга икки айиқ сиғмайди», «Икки дарвеш бир палосга сиғади, икки подшо бир мамлакатга сиғмайди», «Икки камбағал бир қапага сиғади, икки бой бир даҳага сиғмайди» (қапа — ҳаммишдан қурилган чайла, қулба. Даҳа — шаҳарнинг бир қисми).

Интер-спорт ДАСТЛАБКИ ЙўЛЛАНМА СОҲИБЛАРИ

Келаси йили ёзда Португалияда ўтказиладиган футбол бўйича Европа чемпионатининг финалига йўлланма олган дастлабки жамоалар аниқланди. Хусусан, Франция, Чехия, Болгария ва Швеция терма жамоалари ана шундай имкониятни қўлга киритишди. Агар французлар меҳмонда Словения терма жамоаси дарвозасига иккита жавобсиз тўп киритишган бўлса, Прагада чех футболчилари Голландия жамоаси билан учрашувда ҳисобни 3:1 га етказишди. Швеция терма жамоаси эса поляктар майдонида тўп суришларига қарамай, дарвозани икки марта ишғол қилдилар. Болгария футболчилари ҳам бўш келишмади. Улар Андорра терма жамоасини 3:0 ҳисобида доғда қолдиришди. Украин футболчилари эса чемпионатнинг финал қисмига боришдан маҳрум бўлишди. Леонид Буряк бошчилик қилаётган бу жамоа Испания футболчилари билан учрашувда 1:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Тўплардан иккитасини Мадриднинг «Реал» жамоаси футболчиси Рауль киритган бўлса, «Милан»да ўйнаётган Андрей Шевченко битта жавоб тўпи киритди. Россия футболчилари ҳам муҳлисларни қувонтиришди. Янги бош мураббий Георгий Ярцев раҳбарлик қилаётган рус футболчилари Швейцария жамоасини қабул қилиб, 4:1 ҳисобида устун келдилар. Уинда Дмитрий Булкин ўзини кўрсатди. У рақиблар дарвозасини 3 марта ишғол этиб, хет-трикка эришди. Қизғин шундаки, учрашув бошида майдон эгаларидан бири ўз дарвозасига тўп киритиб қўйганди. Шундай қилиб, ҳозир 10-гуруҳда Швейцария 12 очко билан олдинда бормоқда. Россия ва Ирландия жамоаларида 11 тадан очко бор.

Table with 7 columns: №, Т/р, Эмитент, Манзилгоҳи, таромони, ном-л, акция дона, тақдир этилойти ва нархи. It lists various companies and their stock market information.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти 14.00.22 — «Травматология ва ортопедия» ихтисослиги бўйича докторантурага (кундузги — 1 ўрин), аспирантурага (кундузги — 2 ўрин), идора ичига мақсадли аспирантурага (кундузги — 1 ўрин) — ТошПМИнинг Нукус филиали учун) 2003-2006 ўқув йиллари учун танлов эълон қиладди. Ҳужжатлар 2003 йилнинг 12 сентябритан 12 октябритангача 1 ой (30 кун) давомида илмий бўлимда қабул қилинади. Мўлжалномини: Тошкент шаҳри, Музохонов кўчаси, 78-ан. Тел: 133-12-35, 133-72-01.

Advertisement for Bosh Muharrir Safar Ostonov, Tahrir Hay'ati, and other editorial services. Includes contact information and a list of services.